



31

НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

Samarqand tumani

2012 yil 31-dekabr

№ 31-сонли

Самарқанд туман «Боғибаланд» қишлоқ фуқаролар йиғини «Чўпонота» маскани худудидан фуқаро Насритдинова Мавжудага қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун 0,16 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш ҳақида.

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2010 йил 11 июндаги 73-рақамли баённомаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2010 йил 24 майдаги 505-сонли хулосаси, фуқаро Насритдинова Мавжуданинг туман ҳокими номига ёзган аризаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

Қарор қиламан:

1. «Боғибаланд» қишлоқ фуқаролар йиғини «Чўпонота» маскани худудидан фуқаро Насритдинова Мавжудага қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун жами 0,16 га (шундан: 0,16 га туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2010 йил 11 июндаги 73-рақамли баённомаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Насритдинова Мавжудага қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехини қуришдан олдин «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва кадастр рўйхатидан ўтказиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З. Аминов) ва туман «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар корхонаси (Т. Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан 2011 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш Бурхонов)га топширилсин.

5. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев